# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 19 сентябрь, № 193 (7151) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШНИНГ ХАЛҚАРО ДИНИЙ ЭРКИНЛИК СОҲАСИДА АЛОҲИДА ТОПШИРИҚЛАР БЎЙИЧА ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 сентябрь куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган АҚШнинг халқаро диний эркинлик соҳасида алоҳида топшириқлар бўйича элчиси Самуэль Браунбэкни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорлик изчил мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Жорий йил май ойида Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган ва Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклигида янги даврни бошлаб берган олий даражадаги музокаралар натижалари юксак баҳоланди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, жумладан, диний эркинлик ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги конструктив мулоқотни ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаётгани таъкидланди. Президентимиз қайд этганидек, Ўзбекистоннинг дин соҳасидаги сиёсати барча конфессия вакиллари учун тенг шароитлар яратишга асосланган.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида диний-маърифий соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришга оид аниқ чоралар кўрилди.

Бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, билимга чанқоқлик каби халқимиз маънавий-ахлоқий ҳаётининг ажралмас жиҳатларини янада юксалтириш ва тарғиб этиш, диний-маданий меросни асраб-авайлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ислом динининг ҳақиқий инсонпарвар моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг барча учун таълим олиш имкониятини таъминлаш, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, виждон, дин эркинлиги ва эътиқод қилувчиларнинг бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган «Маърифат ва диний бағрикенглик» номли махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Самуэль Браунбэк самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, АҚШ Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг миқёсли ўзгаришларни қадрлашини ва қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Мамлакатимиз диний эркинлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда катта муваффақиятларга эришгани алоҳида қайд этилди.

Томонлар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги кўп қиррали, жумладан, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш, бағрикенглик ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр экани таъкидланди.

**ЎзА.**

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

## Анжуман

# 12 та ҳужжат имзоланди

Кеча Тошкент шаҳрида «Ислом тараққиёт банки гуруҳи куни» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Ислом тараққиёт банки президенти Бандар Ҳажарнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида ташкил этилган мазкур форумда Ўзбекистон Республикаси тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари, маҳаллий ҳамда халқаро молия институтлари масъул ходимлари, хусусий сектор, шунингдек, юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Тадбир Қуръон тиловати билан бошланди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси, Ислом тараққиёт банки гуруҳининг Ўзбекистон Республикасидан бошқарувчиси Сухроб Холмуродов, Ислом тараққиёт банки президенти Бандар Ҳажар ва бошқалар мамлакатимиз мусулмон дунёсининг энг нуфузли молия муассасаларидан бири бўлган ИТБнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлиги, кейинги пайтда ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидладилар. Мазкур банк сармоялари иштирокида 25 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Соҳа мутахассисларининг эътироф этишича, ИТБ энг самарали фаолият кўрсатаётган молиявий тузилмалардан бири ҳисобланади. Зеро, дунёдаги етакчи рейтинг агентликлари томонидан унинг узоқ ва қисқа муддатли кредит рейтинги мунтазам равишда "Барқарор" деб баҳоланмоқда. Шу боис бўлса керак, унга нисбатан хатарсиз молиявий тараққиёт муассасаси, дея таъриф берилади. Ёш авлодни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш масалалари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Айниқса, 2006 йилда аёллар учун йиллик мукофот таъсис этилгани кенг омма томонидан мамнуният билан қарши олинди. 2018 йилда мазкур соврин "Аёлларнинг тинчлик ва барқарорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси" мавзуида аниқланади.

Шубҳасиз, бундай ташаббуслар ИТБнинг молиявий хизматлар бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қиляпти. Шу аснода аъзо мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни қўллаб-қувватлаш, инсон капиталини барқарор ривожлантиришга қаратилган янги банк хизматлари жорий этилмоқда.

➔ 2

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

# ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

*Бугун мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилган.*



Президентимизнинг 2018 йил 4 майдаги "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жамиятда ижтимоий шериклик самарадорлигини оширишда сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилишида мазкур Фармонда белгиланган вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, ушбу ҳужжатга мувофиқ, давлат вакиллик органларида фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришнинг яхлит тизими шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши тузилди. Маҳаллий давлат вакиллик органларининг барча бўғинидаги Кенгашларида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссиялар тузилди. Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликка асосан, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари устав фаолиятига кенг кўламдаги имтиёз ҳамда преференциялар қўлланилмоқда.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри марказларида ННТнинг ҳудудий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, бўш ётган ва самарали фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари негизида "ННТ уйлари"ни ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Республикада биринчилардан бўлиб Хоразм вилоятида "Дўстлик ва ННТ уйи" фойдаланишга топширилгани бунинг амалий ифодасидир.

Йиғилишда мазкур Фармон асосида ташкил этилган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳарлар Кенгашлари ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссиялар фаолиятига тизимли услубий ёрдам бериш, ўзаро ҳамкорлик қилиш, фуқаролик жамияти институтлари билан фаол ишлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

➔ 2

# «Бу заминда кўплаб миллату элатлар, турли дин ҳамда эътиқод вакиллари ўзаро тинч-тотув ва ҳамжиҳат яшаётгани эътирофга лойиқ»

*АҚШнинг халқаро диний эркинлик соҳасида алоҳида топшириқлар бўйича элчиси Самуэль Браунбэк 17-18 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Бош прокуратура, Ташқи ишлар, Адлия вазирликлари ва бошқа ташкилотларда учрашув ҳамда музокаралар ўтказди.*

*Шунингдек, хорижлик меҳмонлар "Диний бағрикенглик: Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси" мавзуидаги давра суҳбатида иштирок этди. Унинг якунида мухбиримиз делегация вакилларидан интервью олди.*

## ЭКСКЛЮЗИВ ИНТЕРВЬЮ

**Самуэль БРАУНБЭК, АҚШнинг халқаро диний эркинлик соҳасида алоҳида топшириқлар бўйича элчиси:**

— Бугун биз Ўзбекистон тарихидаги ноёб даврга гувоҳ бўляпмиз. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги мулоқот учун янги йўллар очилмоқда. Мазкур ташрифимиз ва диний эркинлик масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлигимиз бунинг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Лавозимимга тайинланганимдан кўп ўтмай ўзаро манфаатдорлик касб этадиган ҳамда келгусидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиш учун Ўзбекистоннинг АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жавлон Ваҳобов билан учрашдим. У Ўзбекистон диний эркинликни мустаҳкамлаш ишига содиқ эканлигини таъкидлаб, иқтисодий тараққиёт бўйича давлат режалари ҳақида сўзлаб берди.

Диний эркинлик ва иқтисодий юксалиш бир-бири билан узвий боғлиқдир. Бошқаларга нисбатан очиқроқ бўлган жамиятлар капитал, шу жумладан, инсон капиталини жалб этиш бўйича устунликка эга. Республикада бундан икки йил олдин ҳаётга татбиқ этилган ўзгаришлар диний эркинлик ҳимояси масалаларига янги туртки бериши мумкин. Бу эса Ўзбекистонда нафақат инсон ресурслари салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради, балки уни минтақадаги тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб этиш учун энг жозибадор жойлардан бирига айлантиради.

Бинобарин, диний эркинлик кафолатлари АҚШда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшаётган динамик диний муҳит яратилишига кўмак берган. Хусусан, 2016 йилги тадқиқотларга кўра, диний гуруҳлар 1,5 миллиондан ортиқ ижтимоий хизматлар, жумладан, ўқув дастурларини тақдим этгани маълум бўлди. Диний эркинлик АҚШ иқтисодиётига ҳар йили 1,2 триллион доллар келтирмоқда.

➔ 2

## Учрашув

# ҲАРБИЙ СОҲАДА ҲАМКОРЛИК

*Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Абдусалом Азизов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган АҚШнинг Миссисипи штати Миллий гвардияси қўмондони — штат губернатори ўринбосари Женсон Бойлс бошчилигидаги ҳарбий делегацияни қабул қилди.*

Учрашувда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил май ойида Америка Қўшма Штатларига амалга оширган расмий ташрифи икки давлат ҳамкорлигида янги саҳифа очгани қайд этилди.

Мудофаа соҳасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати муҳокама этилиб, истиқболдаги режалар белгилаб олинди. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтириш ҳамда Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш борасида фикр алмашилди.

➔ 2

## Тақдимот

# «Ўзбекистон — Афғонистон» дўстлик жамияти

икки томонлама муносабатлар ривожида алоҳида ўрин тутади

*Яқин қўшнилар билан конструктив ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатиш, минтақавий хавфсизлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Айни пайтда минтақадаги барқарорлик ҳамда изчил тараққиёт бевосита қўшни Афғонистонда тинчлик ва осойишталик қарор топиши билан узвий боғлиқ.*

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида "Ўзбекистон — Афғонистон" дўстлик жамиятининг таъсис этилиши муносабати билан ташкил қилинган анжуманда шулар ҳақида сўз юритилди. Тадбирда вазирлик ва идоралар вакиллари, Афғонистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ходимлари, олимлар, дўстлик жамиятлари раҳбарлари, афғон диаспораси вакиллари ҳамда ёшлар қатнашди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон мустақилликнинг илк йиллариданоқ Афғонистон билан яқин қўшничилик ва дўстона сиёсат олиб бориб, ушбу мамлакатда барқарорлик ҳамда тинчлик қарор топишига ўз ҳиссасини қўшмоқда, барча йўналишда ҳамкорликни фаол ривожлантиришга интиляпти.

Ўтган қисқа давр ичида Ўзбекистон — Афғонистон муносабатлари мутлақо янги босқичга кўтарилди. Бу жараён икки давлат ва халқнинг манфаатлари йўлида жадаллашиб бораётир. Ўзбекистон ва Афғонистон раҳбарлари мунтазам учрашувлар ўтказмоқда. Уларнинг самараси ўлароқ, қатор амалий ишлар қилиняпти. Масалан, Кобулда Ўзбекистон савдо уйи ташкил этилди. Унда доимий равишда "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" номи остида товарлар кўргазмаси фаолият юритади. 2017 йилнинг сентябрь ойида Мозори Шарифда "UzTrade" шоуруми (кўргазма зали) очилди. Бундан ташқари, юртимиз Афғонистонга 25 та автобус, 3 та трактор ва тиркама техникасини беғараз етказиб берди.

➔ 2

## Депутат фикри

# Тадбиркорлик лойиҳалари қоғозда қолиб кетмасин

*Мамлакатимизда хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янги босқичга кўтариш, ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу борада муҳим қонунлар, Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди.*

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 11 сентябрдаги "Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишдаги ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи бўлди.

Тўғри, бугун энг кўп ҳуқуқий ҳужжат қайси соҳани равнақ топтиришга қаратилган, деб сўрашса, бемалол тадбиркорликни мисол қилиб келтириш мумкин. Бироқ ҳужжатлар, дастурлар, чора-тадбирлар режалари қанча кўп кўрилмасин, соҳадаги камчиликлар, сусткашликлар батамом барҳам топяпти, дейиш қийин. Бу Президентимизнинг мазкур қарорида ҳам рўй-рост қайд этилди. Хусусан, ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш учун максимал даражада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, қатор тизимли муаммо ва камчиликларга дуч келинаётгани баён қилинди. Бундан ташқари, янгидан ташкил қилинган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиёт ҳамда тадбиркорликни, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ҳамда туризмни ривожлантириш учун масъул бўлган ҳоким ўринбосарлари томонидан тадбиркорларнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга, ҳудудларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга, шунингдек, мавжуд салоҳиятдан максимал даражада фойдаланишга кўп ҳолларда бепарво муносабатда бўлинаётгани таъкидланди.

➔ 2

# «Бу заминда кўплаб миллату элатлар, турли дин ҳамда эътиқод вакиллари ўзаро тинч-тотув ва ҳамжиҳат яшаётгани эътирофга лойиқ»

1

Бу “Apple”, “Amazon” ва “Google” каби жаҳоннинг энг яхши ўнлаб технологик компаниялари йиллик даромадидан зиёддир ёки Америкадаги энг йирик олтита нефть-газ компаниясининг бир йиллик даромадидан 50 фоиз ортиқдир.

Биз Ўзбекистон парламенти томонидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси тавсияларини бажариш юзасидан “йўл харитаси” қабул қилинганини олқишлаймиз. Бу Ўзбекистонда қонунчилик базасини инсон ҳуқуқлари ва диний эркинликни таъминлаш соҳасидаги халқаро мажбуриятлар ҳамда содиқлик тамойилига мувофиқлаштиришга қаратилган умумдавлат ёндашувдир. Биз бу борадаги “йўл харитаси”ни амалга ошириш учун эксперт кўмагини беришга тайёрмиз.

Жорий йилнинг май ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга амалга оширган расмий ташрифи чоғида давлат раҳбари билан учрашиш бахтига муяссар бўлдим. Ушбу ташриф Қўшма Штатлар ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиши, манфаатлар умумийлиги, ҳамкорлик чуқурлаштирилишини кўрсатиб берди. Музокаралар чоғида биз Ўзбекистонда мусулмонлар ўз динига эмин-эркин эътиқод қилишидан бохабар бўлдик. Диний маросимларни ўтказиш учун қўшимча шароитлар яратилмоқда. Экстремистик гуруҳларнинг минглаб иштирокчилари бўлган фуқароларнинг “қора рўйхат”дан чиқарилиши, уларнинг нормал ҳаётга қайтарилиши ҳам диққатга сазовордир.

Шу йилнинг июль ойида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги делегация халқаро диний эркинликни илгари суриш бўйича Вашингтонда ўтказилган вазирлар анжуманида иштирок этди. Муҳокамаларда 80 дан ортиқ давлатлардан юқори мартабали меҳмонлар қатнашди. АҚШ Давлат котиби Майк Помпео Ўзбекистон томонидан янада очиқ жамият барпо этиш йўлида ташланаётган қадамларни олқишлар экан, кенг диний эркинлик мамлакат ва умуман, минтақа тараққиёти учун ижобий самара келтиришини таъкидлаб ўтди. Делегациямизнинг Ўзбекистонга ташрифи вазирлар учрашувининг мантиқий давомидир. Биз республикадаги ўзгаришлар билан жойида танишдик. Бу заминда турли миллату элатлар, турли дин ҳамда эътиқод вакиллари ўзаро тинч-тотув ва ҳамжиҳат яшаётгани эътирофга лойиқ. Давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари фикрларини, уларнинг Ўзбекистон келажагини қандай тасаввур қилишларини билиш ҳамда диний эркинлик, маданиятлар, анъаналар ва қадриятлар равнақига қандай ёрдам беришимиз мумкинлигини билиш биз учун ҳам муҳим. Бу йўлда тегишли ресурсларни жалб этиш ва ушбу соҳадаги етакчи халқаро экспертлар билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш учун кўмаклашишга тайёрмиз.

**Крис САЙПЛ,**
**Глобал ҳамкорлик институти (АҚШ) фахрий президенти:**

— Мамлакатларимизнинг диний бағрикенгликни таъминлаш борасидаги тажрибасига бағишланган давра суҳбати икки томонлама мулоқотларнинг узвий давоми бўлди. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида, айниқса, виждон эркинлигини таъминлаш борасида катта ижобий ўзгаришлар яққол кўриниб турибди. Муҳими, мамлакат раҳбариятининг бу йўналишдаги ислоҳотларни давом эттириш мақсадларига қатъий содиқлигидир.

Виждон эркинлиги — барчага дахлдор қадрият. У инсон ҳуқуқларининг асосларидан бири саналади. Радикаллашув ва зўравонликлар ана шу ҳуқуқ бузилган жойларда юзага чиқади. Ўзбекистонда диний эркинликларни, конфессиялараро ҳамжиҳатлик ва тотувликни таъминлашга янгича ёндашувлар қўлланилаётир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ислом маърифати ғоясини илгари суриш бўйича ташаббуслари бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Биз Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси марказида бўлдик. Ўзбекистонда диний-маърифий соҳага, жамиятда бирдамлик, ўзаро ҳурмат, дўстлик, тинчлик ва тотувлик, ижтимоий-маънавий ҳолат барқарорлигини таъминлашга комплекс киришилганини кўряпмиз. Республикада шакллантирилган миллатлараро муносабатлар моделини келгусида бошқа давлатларда ҳам татбиқ этиш мумкин. Биз ҳамкасбларимиз билан самарали ҳамкорликни ривожлантириш ниятидамиз. Бир қатор йўналишларда қўшма тадқиқотлар олиб бориш бўйича келишувларга эришдик. Жумладан, Глобал ҳамкорлик институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ўртасида меморандум имзоланди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ ёзиб олди.**



# ҲАРБИЙ СОҲАДА ҲАМКОРЛИК

1

Шундан кейин меҳмонлар Қуролли Кучлар Академияси фаолияти ҳамда малакали ҳарбий кадрларни етиштиришда замонавий ёндашувлар, курсантларнинг таълим олиши ва яшаши учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўтган йилдан бошлаб хориж давлатлари мудофаа идоралари билан алоқаларни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизнинг бошқа давлатлар билан икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик доирасидаги чора-тадбирлар кўлами тобора кенгайиб, олий ҳарбий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, кўп йиллик хизмат тажрибасига эга офицерлар томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари, долзарб йўналишлардаги изланишлар хориж тажрибасига таянган ҳолда амалга оширилмоқда.

**Тимур НАРЗИЕВ,**
**Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати раҳбари.**

# ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

1

Шунингдек, ҳудудларда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари фаолиятини такомиллаштириш, “ННТ уйлари” борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эшитувларини ташкил этиш бўйича вазифалар илгари сурилди.

Муҳокамаларда Хоразм вилоятида фуқаролик жамияти институтлари билан давлат органларининг самарали ҳамкорлигини амалга оширишдаги айрим муаммолар кўриб чиқилди. Хусусан, вилоятда давлат бошқаруви органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан давлат ижтимоий буюртмалари бериш механизми ишламаяпти. Бу эса ҳудудларнинг муҳим ижтимоий аҳамиятга молик долзарб масалаларини ҳал қилишда ННТ кенг жалб этилишига тўсқинлик қилмоқда.

Парламент комиссияси аъзолари томонидан вилоятда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликнинг институционал ҳамда қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида қатор таклифлар билдирилди.

Йиғилишда, шунингдек, пахта йиғим-теримини самарали ташкил этиш мақсадида кичик давлат грантлари қўшимча танловини эълон қилиш масалалари кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, унга ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ушбу мавсумга оид ижтимоий мақсадларни амалга оширишни назарда тутадиган лойиҳалар қабул қилиниши мўлжалланган.

Якунда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# 12 та ҳужжат имзоланди

1

Дарҳақиқат, бугунги кунда 57 та давлат аъзо бўлган ИТБ томонидан дунё аҳолисининг тўртдан бир қисмига хизмат кўрсатиб келинаётир. Бу мижозлар сони 2 миллиарддан ошиқ, деганидир. Айниқса, охирги беш йилда банк капитали кескин ортгани хизматлар кўламини кенгайтириш, йирик лойиҳаларни молиялаштиришда қўл келмоқда. Сармояларнинг асосий қисми давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган соҳаларга йўналтириляпти. Таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, уй-жой қурилиши, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, йўллар, канал ва тўғонлар қуриш, шифо масканларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш шулар жумласидандир.

— Ислом тараққиёт банки фаолиятининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон билан деярли ҳамма соҳада ҳамкорлик қилиб келинмоқда, — дейди ИТБ президенти, доктор Бандар Ҳажар. — Хусусан, давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги механизми асосида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Натижада 26 та замонавий мактаб ва коллеж қуриш, 600 километрлик каналлар қазилиб, 400 гектар экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек, шаҳарларда коммунал соҳани ривожлантириш, чекка ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларини замонавий анжомлар билан таъминлаш, аҳоли яшаш пунктларини электрлаштириш лойиҳалари ижросида фаол иштирок этилди. Эндиликда инвестициявий алоқаларимиз янги босқичга кўтарилади. Бугунги анжуманда ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қиламиз.

Анжуманда Ўзбекистон Республикасининг ИТБ билан 2018 — 2021 йилларда Стратегик ҳамкорлиги ҳамда тўрт йиллик индикатив дастури тақдим этилиб, кенг муҳокама қилинди. Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожида халқаро молия институтларининг роли”, “Ўзбекистон Республикасида инвестициявий имкониятлар даври” мавзуларида тақдимотлар ўтказилиб, ИТБ гуруҳидаги тузилмаларнинг ҳисоботлари тингланди.

Форум доирасида 12 та ҳужжат, жумладан, қиймати 1,3 миллиард АҚШ долларилик келишув имзоланди.

Бугун Араб жамғармаларининг мувофиқлаштириш гуруҳи иштирокида давра суҳбати ҳам бўлиб ўтади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тадбиркорлик лойиҳалари қоғозда қолиб кетмасин

1

Қолаверса, республика ва жойлардаги давлат бошқаруви органларида кенг тарқалган ҳамда бартараф этилмаётган тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда амалга ошириш, зарур ишлаб чиқариш объектлари, ер участкалари, кредит маблағларини ажратиш, муҳандислик-коммуникация ва бошқа инфратузилма объектларини яратиш масалаларини ҳал этишдаги сансалорлик, бюрократизм ҳамда тўсиқлар билан боғлиқ ҳолатлар тадбиркорлик субъектларини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга фаол жалб қилиш, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини ошириш, саноат ишлаб чиқаришини кенгайтириш, хизматлар соҳасини ривожлантиришни таъминламаётгани қайд этилган.

Шу мақсадда, мамлакатимиз Президентининг қарори билан Ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссияси ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий гуруҳлар ташкил этилиб, уларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Ҳудудий гуруҳлар таркибига кирган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, ходимлари асосий иш жойи бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилиниб, ўзларига бириктирилган ҳудудда доимий равишда бўлиши белгиланди.

Комиссия ва ҳудудий гуруҳларнинг сўровлари, кўрсатмалари барча давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ҳамда мансабдор шахслари томонидан сўзсиз ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

Қарорга мувофиқ, қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда аукцион савдоларига қўйиладиган бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкалари тадбиркорлик субъектларининг аниқ инвестиция ҳамда ижтимоий мажбуриятларини белгилаган ҳолда савдога қўйилади. Тегишли ҳудудда, жумладан, бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш учун тавсия этилаётган салоҳиятли лойиҳалар Ягона интерактив давлат хизматлари порталида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг веб-сайтларида ва интернетдаги ижтимоий тармоқларда жойлаштирилади, телевидениеда эълон қилинади.

Бўш турган давлат мулки объектлари ёки ер участкалари аукцион ғолибига бир йилгача муддатда олдиндан захирага олиш шартларида (лойиҳанинг мураккаблигидан келиб чиқиб, муддатини узайтириш имконияти билан) кейинчалик инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар бажарилганидан сўнг эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқини расмийлаштирган ҳолда берилади. Сармоядор томонидан инвестиция шартномасида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, захирага олиш инвесторнинг харажатлари қопланмаган ҳолда бекор қилиш ва бошқа тартиблар белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қарор тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги тизимли муаммолар, тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга ҳамда иқтисодиётимизнинг турли соҳалари ривожига туртки бериб, тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатли ҳимоясини тўлақонли таъминлаш имконини беради. Бу эса пировардида аҳоли турмуш даражаси сифатини тубдан яхшилашга хизмат қилади. Энди тадбиркорлик ташаббуслари қоғозда қолиб кетмайди.

**Гулшана ХУДОЁРОВА,**
**Бекзод АРТИКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари.**

# «Ўзбекистон — Афғонистон» дўстлик жамияти

## икки томонлама муносабатлар ривожида алоҳида ўрин тутади

1

Термизда фаол ҳамкорлик учун қулай шароитлар яратиш мақсадида божхона терминалига эга бўлган халқаро логистика маркази ташкил этилди. У икки мамлакат ўртасида экспорт-импорт ҳамда транзит юк оқимларига ва Европа ҳамда Осиё бозорларига чиқишга кўмаклашади.

Ўзбекистондан Афғонистонга йилига 300 минг тонна минерал ўғит, 2 минг дона қишлоқ хўжалиги техникаси, 250 минг тоннагача ғалла ва афғон бозорида талаб юқори бўлган бошқа маҳсулотларни етказиб бериш бўйича узоқ муддатли келишувларга эришилди.

Ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида Термиз туманида афғон фуқароларини ўқитишга мўлжалланган ўқув маркази ташкил этилди.

Жорий йилнинг март ойида пойтахтимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзуида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси ўтказилди. У халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилди.

Маълумки, Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик камарини яратиш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири этиб белгиланган. Шубҳасиз, афғон муаммосини ҳал қилиш ва Афғонистонни узоқ йиллик можаролардан сўнг тиклаш ушбу мақсадга эришишда муҳим омил ҳисобланади.

Янги ташкил этилган “Ўзбекистон — Афғонистон” дўстлик жамияти икки давлат ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

## Сўз — анжуман иштирокчиларига

**Сайид Шаҳобиддин ТИМУРИЙ,**
**Афғонистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**



— “Ўзбекистон — Афғонистон” дўстлик жамияти фаолияти йўлга қўйилганидан барчамиз мамнунмиз. Бу жамият икки мамлакат ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз. Чунки Ўзбекистон ва Афғонистон мустаҳкам ришталарга эга. Буни улуғ алломалар, жумладан, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурга Афғонистонда юксак эҳтиром кўрсатилиши ҳам тасдиқлайди.

Кейинги вақтда икки томонлама муносабатларимиз жадал ривожланиб боряпти. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанининг ўтган йил декабрь ойида Ўзбекистонга расмий ташрифи билан икки томонлама муносабатларда янги давр бошланди. Унинг якуни бўйича қатор келишувларга эришилиб, мазкур ҳужжатлар бугунги кунда ўзининг амалий ифодасини топяпти. Хусусан, транспорт-коммуникация соҳасида ҳамкорлик натижасида Мозори Шариф — Ҳирот йўналишида трансафғон транспорт йўлагини яратиш бўйича муҳим келишувга эришилди. Ушбу йўлак илгари Ўзбекистон томонидан қурилган биринчи транспорт йўлаги — Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўлининг давоми ҳисобланади. У Афғонистон иқтисодиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

**Исматилла ИРГАШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили:**



— Давлатимиз раҳбарининг қарори билан Афғонистон бўйича Президентнинг махсус вакили институти таъсис этилди. Бу мамлакатимиз ташқи сиёсатида Афғонистон устувор аҳамият касб этишининг яна бир яққол тасдиғи бўлди.

Ўтган даврда Президентимизнинг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси туфайли Марказий Осиёнинг барча мамлакати билан дўстлик ҳамда яхши қўшнилик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган жуда кўплаб ишлар амалга оширилди. Афғонистон мазкур концепциянинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Илгари биз ушбу мамлакатдаги таҳдидлардан қўрқиб, унга нисбатан “ёпилиб” олган эдик. Аммо Ўзбекистон Президенти барчани Афғонистонга таҳдид сифатида қараш эмас, балки бу мамлакатда тинчликни тиклаш учун шароит яратиш имкониятини беришга чақирди. Айнан шундан сўнг мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқалари жадал фаоллашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббусига кўра Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзуида ўтказилган халқаро конференция минтақада тинчлик ўрнатиш йўлида дадил қадам бўлди.

**Абдураҳим МАННОНОВ,**
**“Ўзбекистон — Афғонистон” дўстлик жамияти раиси, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори:**



— “Ўзбекистон — Афғонистон” дўстлик жамияти ташкил этилиши икки қардош халқ вакиллари томонидан илиқ кутиб олинди.

Жамиятимиз ўз олдига бир қатор муҳим вазифаларни қўйган. Жумладан, иккала халқнинг маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини тарғиб қилиш, шунингдек, таълим ҳамда гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Жамиятнинг келгуси фаолияти, албатта, ўзаро алоқалар янада ривожланишига хизмат қилади.

**Рустамбек ҚУРБОНОВ,**
**Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси:**



— Мамлакатимизда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини юксалтириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасида кўплаб ишлар олиб боriляпти. Мазкур йўналишдаги ислоҳотлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида бутунлай янгича маъно-мазмун касб этаётир. Чунончи, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат олиб боришдир.

Юртбошимизнинг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди.

Қўмитамиз жамиятда миллатлараро тотувлик ҳамда бағрикенгликни таъминлаш, тинчликсевар сиёсатни, мамлакат ҳаётининг барча соҳасида эришилган ютуқ ва муваффақиятларни кенг тарғиб қилиш, халқаро ҳамжамият, шу жумладан, чет элдаги ҳамюртларимиз диаспораси билан дўстликни мустаҳкамлашда кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда. “Ўзбекистон — Афғонистон” дўстлик жамияти ҳам тизимдаги энг фаол жамиятлардан бири бўлишига ишонамиз.

**«Халқ сўзи» мухбири Омонулла ФАЙЗИЕВ ёзиб олди.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ



Шу йил апрель ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Сирдарё вилоятига сафари давомида ўтказилган вилоят фаоллари иштирокидаги видеоселектор йиғилишида халқимизни қийнаб келаётган бир қатор оғриқли масалалар кўтарилди. Ҳар галгидек, мазкур йиғилишда давлатимиз раҳбари айтган гаплар бутун мамлакат аҳолиси томонидан қизғин кутиб олинди, ижтимоий тармоқлардаги баҳс-мунозараларга, кўплаб хорижий матбуот нашрларида экспертлар эътирофига сабаб бўлди.

Йиғилишда тилга олинган муаммолар орасида, шубҳасиз, маҳаллий ҳокимият органлари мансабдор шахслари турли кўзбўямачиликларга йўл қўяётгани, ободонлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлари, пахта йиғим-терими даврида мажбурий меҳнатга йўл қўйилаётгани, бу ишларга, айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ва бошқа бюджет ташкилотлари ходимларининг ҳам жалб этилиши каби масалалар энг долзарб муаммолардан эди.

**“Ўқитувчиларни мажбурлаб, ободонлаштириш, кўча супуртиришга жалб этиш — бу биз олиб бораётган сиёсатга хиёнат! Бу ҳаракатлар фақат менга эмас, давлатимиз олиб бораётган сиёсатга ҳам хиёнат”**, деди Юртбошимиз мазкур йиғилишда.

*Неча йиллар давомида халқимизни қийнаб келаётган ушбу масаланинг илк бор давлат раҳбари томонидан кўтарилиши, албатта, катта воқеадир. Тан олайлик, яқин-яқингача ҳар йили аҳоли эътирозини келтириб чиқарадиган, кўплаб халқаро ташкилотларнинг танқидларига сабаб бўладиган мажбурий меҳнат муаммосига жиддий равишда, мамлакат миқёсида барҳам бериш у ёқда турсин, унинг мавжуд эканлиги ҳам расман айтилмаган. Бу эса оддий одамларнинг кайфиятига, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўсига салбий таъсир кўрсатаётган эди. Мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳар йили, айниқса, пахта йиғим-терими даврида авжига чиқарди.*

*Қайд этиш лозимки, бутун мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига сингиб кетган ушбу салбий стереотип бизга собиқ иттифоқ давридан мерос бўлиб қолган. Бир неча ўн йилликлар давомида собиқ Иттифоқнинг пахта хом ашёси базасига айлантирилган Ўзбекистонда аҳолини пахта йиғим-терими кампанияларига жалб қилишга табиий ҳолатдек қаралди. Мустақилликка эришганимиздан кейин колхозу совхозлар тугатилиб, уларнинг ўрнида фермер хўжаликлари фаолият бошлаган, аҳоли турмуш шароити бозор иқтисодиёти таъсирида бирмунча қийинлашган бир пайтда ҳам пахта етиштиришдан тортиб уни териб олишгача бўлган жараёнга одамларни мажбуран жалб қилиш кучайса кучайдики, асло камаймади. Чунки хоҳлаймизми-йўқми, пахта толасини экспорт қилиш давлатга валюта тушумининг катта қисмини ташкил этар эди.*

## ҲУҚУҚИЙ АСОС

International Labour Organization

“Ушбу Конвенция мақсадлари учун “зўраки ёки мажбурий меҳнат” атамаси ихтиёрий равишда ўз хизматларини таклиф этмаган ҳар қандай шахсдан ҳар қандай жазолаш таҳдиди остида талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни англатади.”

Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-Конвенция. Женева, 1930 йил.

“Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.”

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 37-модда.



Мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўринишига чек қўйиш учун, энг аввало, меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзоси сифатида унинг 14 та конвенциясини ратификация қилган. Шу жумладан, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ҳақидаги 29-сонли конвенцияни ҳам. Ушбу конвенцияда мажбурий меҳнат тушунчаси аниқ таърифлаб қўйилган.

Ташкилотга аъзо бўлиш асносида республикамиз ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариш мақсадида кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди. Меҳнат кодекси, аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий суғурта қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси, бола ҳуқуқларини кафолатлаш, одам савдосига қарши кураш сингари кўплаб соҳаларни қамраб олган қонунлар шулар жумласидандир.

Мажбурий меҳнат мамлакатимизнинг Асосий Қонунида ҳам тақиқланган. Фуқароларни, шу жумладан, вояга етмаган шахсларни меҳнатга мажбурлаш ҳаракатлари учун маъмурий, ҳатто, жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51, 491-моддалари; Жиноят кодексининг 135, 138 ва 148-моддалари).

Кўриб турганимиздек, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ва унинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш учун мамлакат қонунчилигида етарли ҳуқуқий асос ишлаб чиқилган. Муҳими, ушбу нормаларнинг аниқ ва сўзсиз ишлашини таъминлаш. Бу эса ҳозиргача шаклланган ижтимоий, иқтисодий шароит, давлат органларида масъул лавозимда ишлаётган мансабдор шахсларнинг ўз ишига муносабати, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган минглаб ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бўйича билимларини инобатга оладиган бўлсак, осон вазифа эмас.

## ДАДИЛ ТАШАББУС ВА ҚАТЪИЙ ҲАРАКАТЛАР

Ушбу масала илк бор олий даражада — 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқида тилга олинди. Қолаверса, жорий йил Сирдарё, Самарқанд вилоятларига ташрифлар чоғида давлатимиз раҳбари томонидан муаммо жиддий равишда яна кўтарилди.

Ушбу танқидлардан сўнг, аниқ амалий чоралар кўришга киришилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан шу йил 17 апрель куни Бош вазир бошчилигида жойларда мажбурий меҳнат ҳолатларининг олдини олишга қаратилган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Ҳукумат аъзолари, барча давлат идоралари раҳбарлари, маҳаллий ҳокимият органлари мансабдор шахслари иштирокида бўлиб ўтган мажлисда бундан кейин мажбурий меҳнатга асло йўл қўйилмаслиги, давлат раҳбарининг асосли танқидларидан кейин ҳам ушбу салбий ҳолат юз бераётгани таъкидланиб, бу борадаги аҳвол қониқарсиз, деб топилди.

2018 йил 10 май куни Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Унда фуқароларни, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини, таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларни мажбурий меҳнатга, шу жумладан, туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари, металл чиқиндилари ва макулатура йиғиш, шунингдек, бошқа турдаги мавсумий ишларга жалб қилиш ҳолатларининг зудлик билан олдини олиш ва бунга чек қўйиш қатъий айтилди. Бунга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий интизомий чоралар қўлланилиши белгиланди.

Албатта, муаммога бутунлай барҳам бериш осон эмас ва бунинг учун ҳамма — давлат органлари, маҳаллий раҳбарлар, фуқаролар, жамоат ташкилотлари бир ёқадан бош чиқариб ишлаши керак бўлади. Қолаверса, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш учун унга замин яратаётган муаммоларни ҳал этиш керак. Шу маънода, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг кенг кўлам касб этаётгани, турли масалаларни қамраб олаётгани бежиз эмаслиги англашилади.

Масалан, Президентимизнинг алоҳида Фармони ҳамда қарори, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Жамоат ишлари жамғармаси тузилди. Ёки қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш борасида кейинги икки йил ичида амалга оширилаётган ислоҳотларни олайлик. Бутун республика бўйлаб пахта етиштириш ва уни чуқур қайта ишлашга ихтисослаштирилган агрокластерларнинг ташкил қилиниши, республикадаги терим машиналари сонини 10 мингтага етказишга қаратилган чоралар, пахта терими учун тўлов миқдорининг кўпайтирилиши, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ташаббуси билан аҳолиси оз вилоятларга бориб, ихтиёрий равишда теримда қатнашиш ва пул ишлаб олиш имкониятининг яратилиши кабилар, ҳеч шубҳасиз, аниқ натижаларга қаратилган қадамлардир.

Ўзбекистонда мазкур муаммога барҳам бериш йўлида бошланган ҳаракатлар, ташаббуслар БМТ ва унинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон банки, “Human rights watch”, “Cottoncampaign”, “50forfreedom” сингари кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилди ва қизғин олқишланди.

“Жорий йилнинг ўтган даврида меҳнат органлари томонидан ўтказилган мониторинглар давомида меҳнат қонунчилиги бўйича жами 10 мингга яқин қонунбузарликлар аниқланган бўлиб, уларнинг салмоқли қисми ёки 30 фоизи халқ таълими, 10 фоизи тиббиёт муассасалари ҳисобига тўғри келяпти. Жорий йилда муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан ҳудудларда “Обод қишлоқ” ёки “Обод маҳалла” (масалан, Тошкент шаҳрида) лойиҳаси амалга оширилиши бошланди. Аммо яна жаноб ҳокимларимизнинг “ташаббуслари” билан ушбу лойиҳалар амалга оширилиши жараёнида ҳам бюджет ташкилотларида ишлаётган ходимларни ўз фаолият йўналишига тааллуқли бўлмаган ишларга жалб этиш ҳолатлари учрамоқда”.

Бош вазир бошчилигида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича ўтказилган йиғилиш баённомасидан. 2018 йил 17 апрель.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайта-қайта куйиниб таъкидлаганидек, ҳеч ким четдан келиб бизнинг шароитларимизни яхшилаб бермайди. Муаммо мавжуд, масала ҳам аниқ. Энди фермердан тортиб маҳаллий ҳокимлик органлари, қишлоқ, сув хўжалиги, бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармалари, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларигача — барча ўз вазифасини тўкис амалга оширса, фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини билиб, мажбуриятларини виждонан бажарсагина белгиланган мақсадларга эришилади. Шундагина кўча супуришга оппоқ халатини кийиб чиққан ҳамширанинг ўша кийимда беморга муолажа қилиш ҳолатларига чек қўйилади. Ўқитувчи дарсни далада эмас, синф хонасида ўтади, ҳеч нарсага чалғимай, фақат таълим-тарбия сифати ҳақида ўйлайди. Мамлакат раҳбарияти бошлаган ва улкан ресурслар, тинимсиз машаққатли меҳнат эвазига олиб борилаётган халқчил сиёсатдан кўзланган мақсад ҳам шу эмасми аслида?

## Эътироф

**Мария Ҳелена АНДРЕ, Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (ACTRAV) директори:**



— Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг устувор мақсади инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, меҳнаткашлар фаолиятини муҳофаза этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Мамлакатингизда муҳим ижтимоий-иқтисодий қарорлар қабул қилишда нафақат давлат идоралари, балки жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ва бизнес тузилмалари фаол иштирок этяпти.

Шу билан бир қаторда, бир қанча масалаларни ижобий ҳал этишда катта ютуқларга эришилмоқда. Масалан, Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамда Жаҳон банки экспертларининг сўнгги беш йил давомидаги мониторинги натижасида шунга гувоҳ бўлиндики, пахта йиғим-теримида болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш амалиётига батамом чек қўйилган. Олдимизда Ҳаракатлар стратегияси ҳамда ХМТнинг мамлакатлар билан ишлаш бўйича дастуридан келиб чиқиб, босқичма-босқич бажарилиши керак бўлган янги вазифалар турибди. Ўйлайманки, барча саъй-ҳаракатимиз ўзининг ҳаётий ифодасини топиб бораверади.

**Гоча АЛЕКСАНДРИЯ, ХМТнинг меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси Шарқий Европа ва Марказий Осиё сектори бош мутахассиси:**



— Иш берувчи замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан бир қаторда, ходимлар учун муносиб иш шароитларини яратишни ҳам унутмаслиги керак. Бунинг ҳаётий тасдиғини Самарқанддаги автомобиль заводига борганимизда кўрдик. Касбий ҳамда техника хавфсизлигига ажратилган харажатлар инсон капиталига йўналтирилган инвестициядир.

Ўзбекистонда ижтимоий шерикликни ўрнатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини кўриб турибмиз. Бизнинг тушунчамизда ижтимоий шериклик — иш берувчи, касаба уюшмаси ва ҳукумат ўртасида уч томонлама ҳамкорлик ифодасидир. Республикада уч томонлама мажбурият йўлга қўйилганини ХМТнинг Бирлашиш эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида 87-сонли конвенциясининг ратификация қилиниши мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

**Альберт ПОТАПОВ, Бутунжаҳон касаба уюшмалари конфедерацияси бош котиби ўринбосари:**



— Ўзбекистонда уч томонлама муносабат, яъни ҳукумат, иш берувчилар (ишбилармонлар) ва касаба уюшмалари иштироки яхши самара беряпти. Буни юқори баҳолаймиз. Ижтимоий мулоқот мунтазамлик касб этган.

Минглаб ташкилотлар, хусусий секторда хизмат қилаётган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини рўёбга чиқариш борасидаги ҳаракатлар эътиборга молик. Бу йўналишда касаба уюшмаларининг фаоллиги талаб этилади ва Ўзбекистондаги касаба уюшмалари ташкилотлари ўз вазифасини етарли даражада бажараётганига гувоҳ бўлдим.

**Пьер БУРГОЛС, эксперт (Франция):**



— Ўзбекистонда бўлиш мен учун катта шараф. Ўзбекистон қисқа вақт ичида камдан-кам давлатлар эришиши мумкин бўлган натижаларни қўлга киритмоқда. Биз, французлар ҳам мамлакатимизнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги кучайишидан манфаатдормиз. Айни пайтда Европа иттифоқида касаба уюшмалари бўйича экспертман.

Республикада мажбурий меҳнатга йўл қўймасликни таъминлаш борасида амалий чоралар кўрилаётгани ҳам эътиборга молик. Умид қиламанки, бу ҳаракатлар яқин келажакда ўз мевасини бериб, Ўзбекистон меҳнат муносабатлари тараққий этган мамлакатлар даражасига чиқади.

## Мурожаатлар туну кун қабул қилинади

*Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган катта кўламдаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда.*

Хусусан, Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда жорий йилнинг апрель-май ойларида қатор вазирлик ва идоралар мутахассислари учун болалар меҳнатининг оғир шакллари ҳамда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик мавзуида туркум семинарлар ўтказилди. Ушбу тадбирлар давомида мажбурий меҳнатга йўл қўйилган ҳолатларда қаерга ва кимга мурожаат қилиш тўғрисида маълумотлар берилди, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг қисқа рақамли “Ишонч телефонлари”, электрон ва телеграм манзиллари акс этган плакатлар қарийб 27,5 минг нусхада чоп этилиб, аҳоли гавжум жойлар, меҳнат жамоалари, фермер хўжаликларида тарқатилди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаси ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, хусусан, мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг олдини олиш борасида бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг масъулияти кучайтирилиб, мажбурий меҳнат ҳолатлари аниқланган тақдирда улар тўғрисида тегишли органларга зудлик билан маълум қилиш ва олдини олиш ишлари амалга оширилмоқда.

Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ижтимоий шериклар билан ҳамкорликда давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари учун “Мажбурий меҳнат хавф-хатарларининг олдини олиш” услубий қўлланмаси ишлаб чиқилиб, барча манфаатдор вазирлик, идора ва ҳокимликларга етказилди.

Касаба уюшмалари Федерациясининг “Юридик клиникаси” негизида жорий этилган аҳоли билан қайта алоқа механизми доирасида “Call-Center” ташкил этилган бўлиб, унга фуқаролар пахта йиғим-терими ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ ҳар қандай масала юзасидан 1092 қисқа рақами орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Жорий йилги пахта йиғим-терими мавсумида касаба уюшмалари теримчилар учун қулай меҳнат шароитлари яратилиши, меҳнат муҳофазаси ва гигиена қоидаларига риоя этилиши, уларга сифатли иссиқ овқат берилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб боради. Мавсум давомида Касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ННТ ҳамкорлигида пахтачиликда болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида республикамизнинг барча ҳудудида миллий мониторинг ўтказилади.

**Бахтиёр МАХМАДАЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари.**

**Агар мажбурий меҳнатга жалб қилинсангиз, қуйидаги «Ишонч телефонлари»га мурожаат этишингиз мумкин:**

**!**

**Бош прокуратура — 1007**
**Касаба уюшмалари Федерацияси — 1092**
**Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги — (71) 2000600**

Ёки телеграм тармоғида **@paxta2018_bot, @mehnathuquqbot, @terimuzbot**ига ёзишингиз, овозли хабар қолдиришингиз мумкин.

## Шаффофликни таъминлашда интернетдан фойдаланилади

ПРОКУРАТУРА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ МУЛЬТИМЕДИА МАРКАЗИ

*Юртимизда 20 сентябрдан пахта йиғим-теримига старт берилади. Ўтган йиллар мобайнида бу мавзу кескин муҳокамаларга сабаб бўлган бўлса-да, аммо унчалик ҳам оммага ошкор этилмас эди. Авваллари пахта далаларида содир бўладиган ҳар қандай воқеа, пахта далаларидагина қолиб кетган. Минг афсуски, бугунги кунгача айнан шундай тамойилга амал қилинган. Ҳолбуки, мансабдор шахслар ҳар хил йўллар билан пахта далаларини теримчилар билан таъминлаб беришарди.*

Бюджет ташкилотлари учун бу палла асаббузарликнинг ўзгинаси эди. Талабалар учун эса ўқув йили аудиторияларда эмас, пахта далаларида бошланарди.

Ана шундай саъй-ҳаракатларнинг бири сифатида телеграм мессенжерида оммалашиб бораётган @paxta2018_botининг очилиши ва унга келиб тушган мурожаатларга тезкорлик билан муносабат билдирилаётганини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур ғоянинг муаллифи эса ҳуқуқшунос ва блогер Хушнудбек Худойбердиев бўлади. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан мажбурий меҳнатга қарши кескин кураш олиб борилаётгани фуқароларимиз, чет эл жамоатчилиги томонидан ижобий қарши олинмоқда. Бироқ жойларда айрим мансабдор шахслар амалдаги қонунларга хилоф равишда эскича тизимда ишлашдан воз кеча олмаётгани ҳам бор гап. Шу боис бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назорати ҳаракатга келтирилди.

**Хушнудбек ХУДОЙБЕРДИЕВ, ҳуқуқшунос, блогер:**

*— Жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда жамоатчилик назорати кучли бўлиши керак. Шу ўринда пахта мавсуми арафасида халқ билан қайта алоқа ўрнатиш мақсадида телеграмда botни ишга туширдик.*

Айни пайтда унга 5 мингдан ортиқ фойдаланувчилар аъзо бўлишган. Мурожаатларнинг сони ҳам шунга яраша. Албатта, уларнинг ҳаммаси ҳам мавзуга алоқадор эмас, бироқ қонунбузилишларнинг аниқ фактларга таянган ҳолатлари ҳам баён этилмоқда. Биргина мисол. Янгийўл шаҳрида яшовчилардан бирининг маълумот беришича, пахта терими учун туманнинг 15 та маҳалласида пенсионерлардан ноқонуний равишда пул йиғиб олинган. Ушбу маълумот тезкорлик билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга юборилган ва тезкор суриштирув ишлари олиб борилган. Суриштирув давомида 15 та маҳалланинг пенсионерларидан пул йиғиш борасидаги фактлар ўз исботини топмади. Бироқ туманинг битта МФЙда пахта учун, деб пул йиғилганлиги маълум бўлган.

**Аслиддин ТОШПЎЛАТОВ, Янгийўл шаҳар прокурори:**

*— Мурожаатда келтириб ўтилган фактларга ойдинлик киритиш мақсадида Янгийўл шаҳар прокуратураси ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда 15 та маҳалланинг 430 нафар пенсионери билан суҳбатлар олиб борилган. Пул тўплаш ҳолати фақатгина “Янгибоғ” МФЙда юз берганлиги аниқланган. Унга кўра, жорий йилнинг 9 сентябрь куни маҳалла фуқаролар йиғинининг масъул котиби кексалардан 25 минг сўмдан пул йиғиб олган.*

Англаганингиздек, маҳалла фуқаролар йиғини раиси шу тариқа пахта йиғим-теримига пенсионерлар ҳисобидан ҳисса қўшмоқчи бўлган. Йиғилган пуллар Фарғона водийсидан теримчиларни жалб қилиш учун мўлжалланган эди. Режага кўра, ишчиларга олдиндан 100 минг сўмдан ҳақ берилиши, кейинчалик уларнинг ҳар бирига 750 минг сўмдан тўланиши лозим эди. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан ўтказилган текширувда маҳалла масъул котиби кимдан, қачон ва қанча пул олинганлиги ҳақидаги маълумотларни махсус журналга аниқ ёзиб қўйганини тан олди. Дафтарда маҳалла аҳолисининг 71 нафари исми қайд этилган бўлиб, ноқонуний йиғимларнинг умумий қиймати 1 миллион 470 минг сўмни ташкил этган. Ушбу ҳолат бўйича “Янгибоғ” МФЙ раиси ва масъул котибига нисбатан Маъмурий кодекснинг 200-моддасига биноан маъмурий иш қўзғатилган. Барча йиғилган пуллар эса пенсионерларга қайтарилган.

**Саҳифани Омонулла ФАЙЗИЕВ ва Ботир ҒОФУРОВ тайёрлади.**

# Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги

**Давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилиши 2019-2020 йилларга мўлжалланган амалий илмий-техник лойиҳалар ва инновацион ишланмалар ҳамда долзарб тематик тадқиқотлар танловини эълон қилади.**

**Инновацион ривожланиш вазирлиги долзарб муаммолар ечимига қаратилган Давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилиши 2019-2020 йилларга мўлжалланган:**

- амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар лойиҳалари;
- долзарб тематик тадқиқотлар бўйича илмий тадқиқот грантлари танловининг дастлабки босқичини эълон қилади.

**Танлов мавзулари, танловни ўтказиш тартиб ва талаблари билан вазирликнинг расмий веб-саҳифаси www.mininnovation.uzда танишиш мумкин.**

**Амалий илмий-техник лойиҳалар ва инновацион ишланмалар ҳамда долзарб тематик мавзулар бўйича танловлар босқичма-босқич эълон қилиб борилади.**

Шунингдек, долзарб тематик амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар бўйича ҳам танлов эълон қилади:

1. Оролбўйи экологик ҳолатини ўрганиш ва яхшилашга қаратилган таклифлар.
2. Ислом дини ривожига ҳисса қўшган буюк ватандошларимиз илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш.
3. Ўзбекистон спортчиларини Олимпия ўйинлари ва халқаро спорт мусобақаларига тайёрлашнинг долзарб масалалари.

Амалий илмий-техник лойиҳалар ва инновацион ишланмалар, долзарб тематик тадқиқотлар танлови топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Президентнинг республика ҳудудларига ташрифлари, маъруза ва нутқларида белгиланган вазифалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва йиғилиш баённомалари топшириқлари ҳамда давлат, хўжалик бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари таклиф ҳамда тавсияларидан келиб чиқиб, республика иқтисодиёти тармоқ ва соҳаларини инновацион ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳамда вазифалари асосида шакллантирилган.

**Тақдим этилган лойиҳалар ва инновацион ишланмалар www.fan-portal.uz веб-саҳифаси орқали электрон рўйхатдан ўтказилиши шарт. Электрон рўйхатдан ўтмаган амалий лойиҳалар ва инновацион ишланмалар танловга қабул қилинмайди.**

Қоғозда тақдим этилган лойиҳалар фақат илмий-тадқиқот институтлари илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор ўринбосарлари, олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ҳамда инновациялар бўйича проректорлари томонидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари имзолаган йўлланма хати асосида қабул қилинади.

Лойиҳа матни А4 форматдаги стандарт қоғоз варағининг икки томонида жойлашиши ва қоида тариқасида 1,15 қатор оралиғида ёзилиши лозим. Ҳар бир бет: юқоридан ва пастдан 2 см., чапдан 3 см., ўнгдан 1,5 см. ҳошияга эга, хатбоши 1,27 см.га тенг ва бир хилда бўлиши лозим.

Матнни компьютер воситасида босиб чиқаришда «Times New Roman» 12 ўлчамли шрифтда «Microsoft Word» матн редакторидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Бетлар титул варағидан бошлаб охирги вараққача изчил кетма-кетликда рақамланади. Бетнинг тартиб рақами варақнинг пастки ўнг бурчагида 2 рақамидан бошлаб ёзилади. Титул варағига 1 рақами қўйилмайди.

Лойиҳа ҳар бир талаб қилинган ҳужжати ва бошқа таркибий қисмлари янги бетдан расмийлаштирилади.

Лойиҳа раҳбари ва иштирокчиларининг мезонларда талаб қилинган илмий ишлар рўйхати (охирги 3 йил давомидаги нашрлар қуйидаги хронологик тартибда келтирилиб, изчил кетма-кетликда рақамланади: монография, патент, илмий мақола ва бошқа нашр ишлари) 3.4-шаклга қатъий риоя қилинган ҳолда расмийлаштирилади ва муаллиф, илмий котиб томонидан имзоланади ҳамда ташкилот муҳри билан тасдиқланади.

Электрон рўйхатдан ўтказилган амалий лойиҳалар ва инновацион ишланмалар Инновацион ривожланиш вазирлигида 2018 йилнинг 10 октябрь кунига қадар шанба ҳамда якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 18.00 гача вазирлик биносида қабул қилинади.

**Тақдим этилган лойиҳалар танлов талабларига қатъий риоя қилинганлиги, лойиҳа материалларининг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги, кўчирмачиликка (плагиат) йўл қўйилмаганлиги бўйича дастлабки техник экспертизадан ўтказилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июлдаги ПҚ-3855-сонли қарорига мувофиқ, Давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилган амалий ва инновацион тадқиқотлар натижалари улар якунланганидан сўнг тўлиқ тижоратлаштирилиши шарт.

Тақдим этиладиган лойиҳаларга тегишли вазирликлардан лойиҳа мавзуси, унинг бажарилиши ва ундан кутилаётган натижалар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг тармоқ ва соҳаларини ривожлантириш учун зарурлиги таъкидланган ҳамда ташкилот илмий (илмий-техник) кенгашлари томонидан тавсия этилганлиги ҳақидаги қароридан кўчирма илова қилиниши лозим.

Танлов ўтказилишининг объективлиги, адолатлилиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида лойиҳаларни қабул қилиш, экспертизасини амалга ошириш, махсус белгиланган хоналарда видеокузатув воситалари (камералар) орқали ёзиб олинади.

Тақдим этилган лойиҳалардаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги ҳамда танлов ғолиблари томонидан илмий-техник лойиҳаларнинг натижадорлиги, тижоратлаштириш даражаси, танлов дастурлари вазифаларида белгиланган, кутилаётган натижаларни тўла ва ўз вақтида сифатли бажарилишига илмий лойиҳа раҳбарлари, илмий лойиҳани бажарувчи ташкилот раҳбарлари ҳамда тегишли юқори ташкилотлар масъул ходимлари жавобгар ҳисобланадилар.

**Белгиланган муддатда фан йўналишлари бўйича электрон ва қоғоз шаклларда тақдим этилмаган лойиҳалар танловга қабул қилинмайди.** Танловга битта лойиҳа келиб тушган тақдирда танлов ўтказилмайди.

**Маълумот учун телефон: (0-371) 203-32-32.**

780Я/373

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

## «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи

*қуйидаги хизматни бажариш ва маҳсулотларни сотиб олиш бўйича тижорат таклифларини беришингизни сўрайди.*

**1. Бино ташқарисини ювиш хизмати.**
**2. Қуйидаги маҳсулотларни сотиб олиш:**

- ер ойна — 2 дона;
- мато асосидаги икки томонлама ёпишқоқ лента (скотч);
- микрофон учун «DPA 4061» русумли адаптер, 3-pin XLR male учун 3-pin lemo улагичлари — 20 дона;
- микрофон учун «Cordial Multicore CYB C8/4» русумли 15 метрли мультикор — 4 дона;
- «Osram 2000 w 64777» русумли лампалар — 30 дона;
- «Osram 575 w 93728» русумли лампалар — 30 дона.

Қизиқиш билдирган ташкилотлардан тижорат таклифлари 2018 йил 25 сентябргача қабул қилинади.

***Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 1-уй.***
***Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин:***
***(0-371) 232-86-63, (+99893) 393-01-46, 618-85-72. Факс: (0-371) 233-13-28.***
***Электрон почта: dvorezforum@mail.ru***

769Ж/391

## Диққат, аукцион!

NBU O'ZMILLIYBANK

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки барча ишбилармон ва тадбиркорларни 2018 йил 2, 4, 9 ва 11 октябрь кунлари **«Kinder Fruits» МЧЖ** устав фондидаги «Ўзмиллийбанк»нинг 100 фоиз улуши бўйича бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Жамиятнинг бошланғич баҳоси — **13 378 891 341,65 сўм,** тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан **7 (етти) йилдан** ошмаган муддатда бўлиб-бўлиб тўланади.

Батафсил маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: (0-371) 234-11-22, 234-15-60.

**WWW.NBU.UZ**

Хизматлар лицензияланган

776Д/383

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИ РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

***қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун таянч докторантура ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади.***

**Таянч докторантура:**
14.00.38 — Спорт тиббиёти — 2 ўрин.
19.00.04 — Тиббий ва махсус психология — 2 ўрин.
**Мустақил изланувчилик:**
14.00.12 — Тиббий реабилитология.
**Керакли ҳужжатлар:**

- ариза;
- меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси;
- дипломларнинг нусхалари;
- эълон қилинган мақола (камида битта) ва тезислар (камида иккита) нусхалари;
- паспорт ва ҳарбий гувоҳнома нусхалари;
- 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат;
- шахсий варақа ва таржимаи ҳол.

***Ҳужжатлар 2018 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.***

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0-371) 241-52-45.**

762Ж/393

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

***қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади.***

| Т/р | Ихтисослик шифри ва номи | | |
|---|---|---|---|
| 1. | 08.00.01 | — | Иқтисодиёт назарияси |
| 2. | 08.00.02 | — | Макроиқтисодиёт |
| 3. | 08.00.03 | — | Саноат иқтисодиёти |
| 4. | 08.00.05 | — | Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти |
| 5. | 08.00.06 | — | Эконометрика ва статистика |
| 6. | 08.00.07 | — | Молия, пул муомаласи ва кредит |
| 7. | 08.00.08 | — | Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит |
| 8. | 08.00.09 | — | Жаҳон иқтисодиёти |
| 9. | 08.00.10 | — | Демография. Меҳнат иқтисодиёти |
| 10. | 08.00.11 | — | Маркетинг |
| 11. | 08.00.12 | — | Минтақавий иқтисодиёт |
| 12. | 08.00.13 | — | Менежмент |
| 13. | 08.00.14 | — | Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари |
| 14. | 08.00.15 | — | Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти |
| 15. | 09.00.04 | — | Ижтимоий фалсафа |
| 16. | 13.00.12 | — | Таълим-тарбия назарияси ва методикаси |

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 304-сонли қарорига мувофиқ таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка қуйидаги ҳужжатлар топширилиши сўралади:*

**Таянч докторантурага (PhD)** ўқишга топширадиган талабгорлар учун: ариза, қисқача биографик маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун), олий таълим муассасаси магистратураси диплоМи, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси, нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

**Докторантурага (DSc)** ўқишга топширадиган талабгорлар учун: ариза, қисқача биографик маълумотнома, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун), олий маълумот, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси, нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган, илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақола ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезис), тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси.

**Фалсафа доктори (PhD)** илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка: қисқача биографик маълумотнома, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси, иш жойидан тавсифнома.

**Фан доктори (DSc)** илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка: қисқача биографик маълумотнома, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси, фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) диплоМи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар димломи нусхаси, иш жойидан тавсифнома.

**Ҳужжатлар 2018 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.**

***Қўшимча маълумот олиш учун Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Илмий-тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: 100185, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Телефон: (+99871) 239-01-43.***

782Ж/411

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 901 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5 6